

ҚОРОВУЛБОЗОР ТУМАНИНИНГ УМУМГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мирзаева Мухлиса Элмуродовна

Бухоро давлат университети География йуналиши
2-курс магистранти

А.Э.Холлиев

Илмий рахбар б.ф.н.проф.

ANNOTATSIYA

Мазкур маколада Қоровулбозор туманининг умумгеографик хусусиятлари борасида суз боради.

Калит сузлар: табиат,табиий география,таджикот,табиий ресурс, “географик кобик”, “ландшафт кобики”, “геосфера”.

АННОТАЦИЯ

В данной статье основное внимание уделяется методам исследования, используемым в естественной географии, их классификации и развитию методов географических исследований. В данной статье утверждается, что основное содержание научного метода составляют теории, проверенные на практике, и что каждая теория служит методом, создающим разные теории или определяющим содержание или последовательность практики. Поэтому мы надеемся, что это небольшое исследование будет интересно и актуально для учителей географии, исследователей и студентов, изучающих эту область.

Ключевые слова: природа, природная география, исследования, природный ресурс, «географическая кора», «ландшафтная кора», «геосфера», «биогеосфера», «эпигеосфера», картографирование, экспедиция.

KIRISH Har qanday ilm sohasi mustaqil fan bo‘lib taraqqiyot etishi uchun to‘rtta asosiy shartga javob berishi kerakki, shunlardan biri o‘zining boshqa fanlardan farq qiladigan tadqiqot metodlari bo‘lishi lozim. Қоровулбозор туманининг географик ўрни ва чегаралари, табиий шароити ва табиий ресурсларнинг худудий жойлашуви.

Қоровулбозор тумани- Бухоро вилояти таркибига киради. Маркази Қоровулбозор шахри. Бухоро вилоятидан 65 км узоқликда.



Туман дастлаб Когон тумани таркибида бўлган. Ташкил бўлган йили 1993 й. 12 январ. Майдони 2,2 минг кв.км. Аҳоли яшайдиган масканлар: Сардоба, Бўстон, Навбахор, Бўзачи, Жарқоқ, 145-разъезд ва Қоровулбозор шаҳри.

Туман худуди вилоятнинг энг жануби-шарқий чеккасида жойлашган бўлиб, шимоли-шарқий томондан эса Навоий, жануб томондан эса Қашқадарё вилоятлари билан чегарадош. У ғарб томондан Олот тумани билан ёндош бўлса, шимол томонда Бухоро тумани билан қўшни. Бу ерда Аму- Бухоро машина канали ўзани орқали ўтади.

Қоровулбозор тумани-Бухоро вилоятининг жануби-шарқида жойлашган. Туман 64°45' шимолий кенгликлар орасида жойлашган.

Табиий географик жиҳатдан Когай схемаси бўйича Қашқадарё табиий географик округига киради.

Туман 2,2 минг кв км бўлиб, Қорақўл, Пешкў, Жондор туманлари худудининг кўлаמידан кичик.

Ўзбекистоннинг ғарбий қисмида нефт ва газ конлари мавжудлиги узоқ йиллар давомида кўпчиликини қизиқтириб келди. Маъданшунослар, 1931, 1939, 1945 йилларда туман худудида дастлабки изланишлар олиб бордилар. Техник жиҳозларнинг талабга жавоб бермаслиги ва бир қанча омиллар туфайли кўзланган мақсадга эришилмади.

Аммо геологик тасвирлаш тузилмаларни бурғулаш ишлари натижасида Сеталантепа, Қоровулбозор, Жарқоқ, Гажди ва бир қанча майдонларда ер ости бойликлари яшириниб ётганлиги маълум бўлди.

1953 йилда «Среазнефтеразведка» трести томонидан ўтказилган бур- ғулаш ишлари пировардида Сеталантепа майдонидан газ фаввораси отилиб чиқди. Республика ҳукумати табиий бойликларни ўзлаштириш, уни халқ хўжалигига хизмат қилдириш мақсадида орадан бир йил ўтгач Қоровулбозор станциясида («Сариташнефтразведка») Қоровулбозор нефтразведка» идораси ни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1955-1960 йилларда бир неча газ ва нефт конлари очилиб Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд – Тошкент магистрал газ қузури тортилди ва Ўрта Осиёда биринчи бўлиб республикамиз пойтахти хонадонларига табиий газ олиб келинди. Шу тариқа Қоровулбозор шаҳрига асос солинди. Бу ерда янги-янги иморатлар, турар-жой бинолар қад ростлай бошлади. Аҳоли сони тез кўпайди. Шунининг билан олиб Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиумининг қарорига мувофиқ 1958 йили Қоровулбозор шаҳар типигадаги посёлкага айлантирилиб, посёлка-совети тузилди.



1981 йил 23 февралда Қоровулбозорга –Когон туманига бўйсунувчи шаҳар мақоми берилди ва маҳаллий бошқарув органлари тузилди.

Қоровулбозор массиви вилоят марказидан олисда иқлим шароити кескинлиги билан ажралиб турувчи чўл бағрида жойлашган. Йиллар давомида бу ерда кўплаб ёрдамчи хўжаликлар барпо этилган. Вилоятнинг турли туманларида ишга жалб этилган аҳоли хўжалиklarининг марказий кўрғонларида турғун бўлиб қолди. Қоровулбозор кенгликларида эса минглаб кишилар халқ хўжалиги учун зарур бўлган нефт ва газ қазиб чиқарар ва унинг теварагида 30 га яқин саноат қурилиш, транспорт ташкилотлари фаолият кўрсатарди. яхшилашга олиб келди. Аста секинлик билан темир йўл станцияси атрофига аҳоли кўчиб кела бошлади ва манзилгоҳнинг аҳолиси сони ортиб борди. Гарчан темир қурилиши Қоровулбозор аҳоли сонининг ортишига олиб келсада. Лекин уни шаҳар жойлар қаторига киришига ёрдам беролмади.

II-жаҳон урушига қадар Қоровулбозор ривожланишида илгари силжишлар деярли уруш кейин Бухоронинг чўл қисмларида жумладан Қоровулбозор атрофида ҳам табиий бойликларни кенг кўламдаги ўзлаштириш ишлари бошланди. Айниқса катта захираларга эга бўлган нефт ва газ конларининг очилиши манзилгоҳ иқтисодий қудратини оширишга ёрдам берди. Бунинг самараси ўлароқ 1958 йилда Қоровулбозор шаҳар типидagi посёлка (шаҳарча) мақомини олган.

Шундан сўнг шаҳарчада нефт ва газ саноатга оид корхоналар қад ростлади. Шунингдек қурилиш ва таъмирлаш корхоналари хизмат кўрсатиш муассасалари савдо дўконлари мактаб ва боғчалар, саломатлик марказлари, касалхона ҳамда поликлиникалар қурилди. Бу ердаги кўпгина ижобий ўзгаришлар манзилгоҳнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ва аҳоли сонининг кўпайишига олиб келган.Натижада Қоровулбозор 1981 йил 21 февралда туманга бўйсунувчи шаҳарлар қаторига киради. Ана шу қисқа вақт мобайнида шаҳар аҳолиси бир неча марта ўсди. Агар 1959 йилги аҳоли рўйхатига кўра Қоровулбозор шаҳрида 1,6000 киши яшаган бўлса,1970 йил 3,7000 киши, 1979 йил 8,4, 1989 йил 6,1, 2000 йил 9,6 ҳозирда эса 10000 киши атрофида мавжуд. Маълумотларда кўриниб турибдики. 1959 –2004 йилгача бўлган давр оралиғида шаҳар аҳолиси 6,2 марта ошган. Бу жиҳатдан у вилоят шаҳарлари орасида фақат Қоракўл шаҳри 17,5 мартадан кейин туради. Анашу даврда Бухоро вилоятининг жами шаҳар аҳолиси 107,1 минг кишидан 446 минг кишига яъни 4,1 мартага кўпайди. Туманнинг геологик ривожланиш



тарихи ва фойдали қазилмалари вилоят ҳудуди тарихининг муҳим бир қисми ҳисобланади. Ҳудуд ўзига хос мураккаб геологик тарихини ўз бошидан кечирган.

Бу замин эпигерцен (герцидан кейинги) платформа устида жойлашган. Даставвал палеозой эрасигача бу жой ҳам Ўрта Осиё ўрнидаги серҳаракат геосинклинал денгиз ётқизикларининг тўплана бориши билан бирга тектоник ҳаракатлар жонланиб борган. Палеозой эрасининг иккинчи ярмида рўй берган кудратли герцен бурмаланиши нисбатан осойишта бўлган тектоник вазиятни тубдан ўзгариб юборди. Тектоник ёриқлар орқали магманинг кириб келиши ҳамда кўтарилишлар –чўкишлар рўй беради. Денгиз ва қуруқлик чўкиндиларининг тўпланиши давом этди. Мезазой-Палеоген даврида бу платформа гоҳ денгиз, гоҳ қуруқлик шароитида ривожланган ва турли таркибидаги жинслар билан қоплана борган.

Масалан: Ўрта юра даврида ҳудуд тўла қуруқликдан иборат бўлган. Юра даврининг охирига келиб вазият денгиз шароити билан алмашди. Нефт, газ конларининг замини вужудга келган.

Ер ости кўтарилмалари ҳозирги рельефда кўп жойларда плато, қирлар сифтида акс этган. Моможурғоти, Сариташ, Жарқоқ ва Денгизкўл каби платолар шулар жумласидандир.

Туман ҳудудида неотектоник ҳаракатлар ҳозирги даврда сўнгани йўқ, унинг қисман кучайганлиги намоён бўлмоқда.

REFERENCES

1. Ta'lim to'g'risida. O'zbekiston Respublikasining Qonuni. – T.: O'zbekiston, 2020.
2. Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan quramiz. – T.:O'zbekiston, 2017.
3. Баттимер А. Путь в географию. Пер. с англ. М., Прогресс, 1990.
4. Zokirov Sh.S. Kichik hududlar tabiiy geografiyasi. T., Universitet. 1999.
5. Kalonov B.H.,Mamatov A,M. Ommabop geografiya. T.,2006.
6. Soliyev A., Maxammadaliyev R. Iqtisodiy va sotsial geografiyaning asosiy muammolari. O`quv qo`llanma. T., 2002.

